Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

28 ОКТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ПАЙШАНБА № 245 (2.651). Баҳоси 3 тийин.

Олтин дақиқаларнинг ҳар бир фурсатидан оқилона фойдаланаётган Жиззах районидаги Ленин номли совхоз заршунослари пахта теримини жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Юбилей йилида она-Ватанга 3.800 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбурияти олинган. Ҳозир бўлим ва бригадалар ўртасидаги меҳнат беллашувида Қилич Бобомуродов етакчилик қилаётган бўлим заршунослари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Айниқса механизаторлардан Тоғай Эралиев Мусурмон Эргашев ва Турғун Шукуровлар ҳамкасбларига ибрат бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Совхоз директори Бектемир Сонбназаров ва бригадир-механизатор Тоғай Эралиев ўзаро суҳбатда. 2. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Имомқул Зулпанов (ўнгда) механизаторлар Мусурмон Эргашев ва Турғун Шукуровлар билан.

Ж. Тўраев фотолари.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республиканинг барча меҳнаткашларига

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР давлатга дон, сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планларини бажарганлиги тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида мамнуният билан кутиб олинди. Республика деҳқонлари ҳосил ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, шу йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитларида давлатга бир миллион тонна дон сотдилар. Маккажўхорикорлар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли маккажўхори экин майдонлари кенгайтирилди, республикада маккажўхори донининг ялпи ҳосили икки миллион тоннага етди.

Сабзавоткорлар, соҳибкорлар, боғдорлар ва полизчилар яхши ишладилар. Улар давлатга 3 миллион 130 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сотдилар, бу эса пландагидан 276 минг тонна кўпдир.

Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга давлат томонидан тобора кўпроқ миқдорда ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш, комплекс механизациялаш ва химиялашни, фан ва илғор тажриба ютуқларини кенг қўлланиш, республика галлакорлари ва сабзавоткорлари маҳоратининг ўсиб бораётганлиги ҳамд афидокорона меҳнати партия, совет, касаба союз, комсомол органларининг моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасида шу муваффақиятга эришилди.

Колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, механизаторларни, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлов, транспорт ва қайта ишлаш корхоналарининг ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларини катта меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман ва шу йилги ҳосил учун курашда актив қатнашган барча кишиларга астойдил миннатдорчилик изҳор этаман.

КПСС Марказий Комитети республика меҳнаткашлари деҳқонлар етиштирган бутун ҳосилни муваффақиятли равишда йиғиштириб олишни ниҳоясига етказиш учун зўр куч-ғайрат сарфлайдилар ва ҳамиша бўлганидек, давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада янги-янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдиради.

Л. БРЕЖНЕВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ҲАР БИР МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИДА ИЖОДКОРЛИК, ЎРТОҚЛАРЧА ЎЗАРО ЁРДАМ, БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРИШ УЧУН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ВАЗИЯТИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИНГИЗ!

ОНГЛИ КОММУНИСТИК ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон ССР деҳқонлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан белгилаб берган вазифаларни амалга ошира бориб, бу йилги қийин об-ҳаво шароитларида етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олдилар, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум ва картошка сотиш юзасидан белгиланган давлат планларини ошириб бажардилар.

Республика колхоз ва совхозларидан тайёрлов пунктларига ҳамда қайта ишлаш корхоналарига бир миллион тоннадан кўпроқ дон, бир миллион 665 минг тонна сабзавот, 610 минг тонна полиз маҳсулотлари, 416 минг тонна узум, 336 минг тонна мева ва 171 минг тонна картошка топширилди.

Пландан ташқари 114 минг тонна маккажўхори, 276 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти сотилди.

Республика хўжаликлари шаҳарларга ва саноат марказларига мева-сабзавот маҳсулоти етказиб бериш планини бажарди.

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари энг кўп миқдорда —805 минг тонна, Самарқанд области 447 минг тонна, Фарғона области 284 минг тонна, Жиззах области 251 минг тонна, Наманган области 220 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти сотди.

Давлатга дон ва мева-сабзавот маҳсулоти сотиш давом этмоқда.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 27 октябрга бўлган

• МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,23	106,39	0,11	102,85
Хоразм	0,61	97,65	0,81	85,67
ҚҚАССР	0,87	94,14	0,74	80,70
Бухоро	0,70	92,00	0,47	37,33
Навоий	0,44	86,37	0,43	60,70
Сурхондарё	0,67	84,10	0,27	54,61
Сирдарё	0,19	79,62	0,05	80,90
Жиззах	0,20	75,78	0,02	71,40
Қашқадарё	1,00	74,57	1,32	58,51
Наманган	0,38	74,21	0,41	49,05
Андижон	0,49	73,71	0,62	53,95
Самарқанд	0,73	72,62	1,10	60,78
Фарғона	1,02	70,14	1,44	52,33
Республика бўйича	0,61	82,03	0,61	65,16
Шу жумладан нинчка толали пахта.				
НАВОИЙ	0,56	122,83	0,38	91,38
СУРХОНДАРЁ	0,97	101,82	0,57	80,32
Бухоро	1,45	87,69	0,83	13,50
Наманган	0,32	86,42	0,54	34,07
Қашқадарё	1,37	83,41	1,19	50,31
Республика бўйича	1,10	96,01	0,77	67,17

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар Ҳурмат тахтасига ёзилади:

Қоракўл райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Барноев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сувонова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шермуҳамедов, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Ҳамроев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Усмонов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Саидов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Асроров;

Чиноз райони —район партия комитетининг секретари ўртоқ Мамедов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдукаримов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрок Ерҳўжаев, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Араббоев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шабанов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Оллаберганова, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Рустамов.

КРЕМЛДА ҲАРБИЙ БОШЛИҚЛАР КЕНГАШИ

27 октябрь куни Кремлда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти раҳбар составининг кенгаши бўлди. Кенгашда ҳарбий округлар, қўшин группалари ва флотларнинг қўмондонлари, ҳарбий кенгашларнинг аъзолари—сиёсий бошқармаларнинг бошлиқлари ва штабларнинг бошлиқлари, шунингдек Мудофаа министрлиги марказий аппаратининг раҳбар ходимлари ҳозир бўлдилар.

Кенгаш қатнашчилари Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, Қуролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов ҳам президиумга чиқиб ўтирадилар.

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев кенгашда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи

Азиз ўртоқлар! Жанговар дўстлар!

Мен Дмитрий Федорович Устиновнинг Қуролли Кучлар раҳбар состави билан учрашиш тўғрисидаги таклифини эҳтиёт мамнуният билан қабул қилдим. Айниқса ҳозир, дунёдаги вазият жуда мураккаб бўлиб турган бир пайтда шундай учрашувлар ҳамиша фойдалидир.

Партиямизнинг XXVI съездидан кейинги 2-йил тугаб бормоқда. Бу давр мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда катта-катта воқеаларга бой бўлди. Съезднинг баҳолари ва хулосалари тўғрилигини, у қабул қилган қарорнинг олисни кўра билганлигини ҳаёт тасдиклади. Дарҳол ҳал этилиши керак бўлган янги масалалар ҳам пайдо бўлиб турадиган, албатта.

Бу—ташқи сиёсатга ҳам тааллуқлидир. Совет Иттифоқи —бутун дунё назар ташлаб турган энг катта социалистик давлат. Бу ҳол бизнинг ташқи сиёсатимизга алоҳида мазмун ва аҳамият бағишлайди. КПСС XXVI съезди тинчлик учун курашнинг кенг программасини белгилади. Бу программа Ленин васиятлари руҳига мос бўлиб ҳамма томонидан эътироф этилди.

Ўртоқлар, биз мураккаб бир вақтда яшамоқдамиз. Халқаро вазият тинчликни саклаб колиш, инсониятга тахдид килиб турган ядро уруши хавфини сусайтириш учун курашда куч-ғайратларни икки карра, уч карра ошириш мажбуриятини юкламоқда. Бу курашда биз ер юзида тинчликни қадрлаётган барча кишилар билан баҳамжиҳат ҳаракатни кенгайтиришимиз керак. Биз мамлакат мудофаасини тинимсиз мустаҳкамлашимиз, ниҳоятда хушёр бўлиб туришимиз шарт.

Кейинги вақтларда партия Марказий Комитети халқаро ахвол ҳамон мураккаблашиб бораётганлигини бир неча марта уқтириб ўтган эди. Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари социализмга қарши сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳужумни авж олдириб юбордилар, ҳарбий тайёргарликлари интенсивлигини мислсиз даражага етказдилар.

Европада ўртача олисликка учириладиган Америка ядро воситаларини НАТО мамлакатларида жойлаштиришга амалий тайёргарлик кўрилмоқда.

Исроилнинг Ливандаги агрессиясини ҳам америкаликлар ва амал қилаётган сиёсий йўлнинг оқибати деб билиш керак. Пировард натижада бу ишда америкаликларнинг қўли борлиги равшан. Африка, Осиё ва Марказий Американинг бир канча районларида вазият жуда мураккаблашиб бормоқда. Бунинг сабаби ҳам ўшанинг ўзи — Америка ҳукмини тиқиштириш йўлидаги уринишдир.

Барча қитъалардаги халқ оммаси дунёни ядро уруши алангасига йўлиқтириш хавфини солаётган Вашингтоннинг агрессив сиёсатига қарши ғазаб билан норозилик билдирмоқда. Бу сиёсатнинг авантюризми, қўполлиги ва ошқора худбинлиги кўпгина мамлакатларда, шу жумладан АҚШ иттифоқчиларининг ўртасида ҳам кахр-ғазабни тобора кучайтирмоқда.

Мана шундай вазиятда бизнинг бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз қандай таркиб топиши жуда муҳим, албатта. Хитой билан муносабатларнинг аҳамияти катта. Биз бу мамлакат билан муносабатларни нормаллаштиришни астойдил хохлаймиз ва бу йўлда ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз. Энди Пекингилар ҳам муносабатларни нормаллаштириш мақбул, деб айтмоқдалар. Хозиргача XXРнинг ташқи сиёсий йўлида принципиал ўзгаришлар бўлаётгани йўқ. Аммо, пайдо бўлаётган янги моментларни эътиборсиз қолдирмаслигимиз керак.

Жаҳон сиёсатида ҳозир икки йўл бир-бирига дуч келмоқда.

АҚШ ва унинг кетидан бораётганларнинг йўли—кескинликни кучайтиришдан, вазиятни иложи борича чигаллаштиришдан иборат. Улар СССРни ва унинг дўстларини сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйиш ва иқтисодий жиҳатдан заифлаштиришни орзу қилмоқдалар. Улар қуролланиш, айниқса ядровий қуролланиш пойгасини мислсиз авж олдириб юбордилар, ҳарбий устунликка эришишга ўринмоқдалар. Империализм шу йўлга ўтиб олиб, халқларнинг тақдири билан масъулиятсизларча ўйнашмоқда.

Бизнинг йўлимиз —кескинликни юмшатиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Биз бу йўлдан қайтмаймиз, ўз куч-ғайратларимизни ошираверамиз, халқаро ишларда ташаббускорликни қўлдан бермаймиз.

Сиёсатда сўзнинг ўзи кифоя қилмаслигини тушунасизлар. Сиёсат давлатнинг реал иқтисодий ва ҳарбий қудратига, халқнинг чексиз маданига, иттифоқчилар ва дўстлар билан мустаҳкам дўстлик ва жанговар иттифоқка таянган тақдирдагина таъсирчан бўлади. Бизда мана шуларнинг ҳаммаси бор. Биз ҳудди шу йўлда тинимсиз иш олиб бораямиз.

Ички вазифалар ҳақида. Ватанимиз СССРнинг 60 йиллигини куч-қудрати барқ уриб яшнаган вазиятда кутиб олмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий ва социал тараққиёти яққол кўриниб турибди. Саноат яхши маромда ишламоқда. У деярли тўла-тўкис ўз Ватанимизнинг моддий хом ашё базасига таяниб, зарур нарсаларнинг ҳаммасини яратишга қодир.

Ҳамма иш ҳам сип-силлиқ бораётгани йўқ, қийинчилик ва камчиликлар бор, албатта. Металл, ёқилғи, транспорт танг соҳалар бўлиб турибди. Хўжалик ходимларимиз хали камчиликларни тугатиш устида жиддий ишлашлари керак бўлади. Ғаллачи кейинги вақтларда кўрилган тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ натижалар бераётган бўлсада, капитал қурилишдаги аҳвол суст яхшиланмоқда.

Истиқболда чет элдан дон харид қилишдан халос бўлиш, аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида катта иш қилинмоқда. Марказий Комитетнинг май Пленуми қабул қилган Озиқ-овқат программасига биз жуда катта аҳамият бераяпмиз.

Ўртоқлар! Дмитрий Федорович Устинов Қуролли Кучларимизнинг ҳолати тўғрисида менга доимо маълумот бериб турибди. Ўзим ҳам ўз иш бурчим юзасидан армия ва флотни мустаҳкам ҳарбий бурчини бажаришдаги мардлик ва фидокорликни қадрлайман.

Совет Қуролли Кучлари тинчлик ва хавфсизликнинг қудратли омили, агрессив кучларни жиловлашнинг ишончли воситаси эканини ҳамма кўриб турибди. Шу боисдан халқ Қуролли Кучларимиз ҳамишаўз вазифалари юксаклигида туриши учун ҳеч нарсани аямайди. Биз Қуролли Кучларни энг замонавий қурол-ярог ва жанговар техника билан таъминлаймиз. Партия Марказий Комитети сизлар ҳеч нарсага муҳтож бўлмаслигингиз чораларини кўрмоқда. Бас, шундай экан, Қуролли Кучлар доимо шу ғамхўрликка муносиб бўлишлари керак.

Армия билан флотнинг жанговар шайлиги даражаси янада юқори бўлиши лозимлигини ҳозирги замон талаб қилмоқда. Энг зарур талабларни назарда тутиб, жанговар шайликни такомиллаштириш билан доимо, қолт масъулиятли равишда шуғалланиш керак. Шунда ҳеч қандай тасодиффият бизни ғафлатда қолдирмайди.

Ҳарбий фан ва ҳарбий маҳоратнинг энг сўнгги ютуқларини эътиборга олиб иш тута билмоқ керак. Жанговар омилкорликда ижобий натижаларга сабот билан эришиш муҳимдир. Бунда қўшинларни бошқаришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қуролни моҳирона эгаллаб олиш, унинг жанговар имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш ғоят муҳимдир.

Совет Армияси ҳамма масалалар юзасидан: қуролланиш, структура, тайёргарлик методлари жиҳатидан юксакликда бўлиши лозим. У замонавий вазифаларга муносиб бўлиши керак. Бунинг учун сизлар масъулсизлар, ўртоқлар.

Қуролли Кучларнинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида гапириш керак. Ҳарбий техника жаҳасидаги кураш жуда кескин тус олди, кўпинча бу кураш принципиал янги характер касб этмоқда. Бу курашда орқада қолишга йўл қўйиб бўлмайди.

Олимларимиз, конструкторларимиз, инженерларимиз, техникаларимиз шу билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши учун имкони бўлган жамики ишни қилишларига ишонамиз.

Ўз-ўзидан равшанки, шахсий составни тарбиялаш соҳасидаги партиявий-сиёсий ишни кучайтириш керак. Юксак маънавий руҳ ҳамиша армиямизнинг энг кудратли қуроли бўлиб келган. Хозирги кунда бу гаҳ тагин ҳам кўпроқ даражада тўғридир.

Солдат ва офицер тўғрисидаги ғамхўрлик, кўшинлар ҳақидаги меҳрибонлик, партиямиз билан совет давлатимизнинг муттасил диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бундан буён ҳам сизлар бу вазифани энг бош вазифалардан бири деб билмоғингиз керак.

Ўртоқлар, Қуролли Кучларимиз олдида турган вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига партия Марказий Комитетининг ишончи комил. Армия ва флотнинг чиниққан, юксак онгли. Ватанга астойдил садоқатли командир ва сиёсий кадрлари, СССР Мудофаа министрлиги коллегияси аъзоларининг юксак малакаси ва бой тажрибаси, бутун министрликнинг пухта иши бунинг гаровидир. Министрликни бошқаришнинг роли Ленин партиясининг содиқ фарзанди, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, жанговар дўстимиз ва ўртоғимиз Совет Иттифоқи Маршали Дмитрий Федорович Устиновнинг ишончли қўлларига топширилган.

Ўртоқлар! Келгусида ҳаммангиз катта иш қилишингиз, янги-янги машқлар ва юришлар ўтказишингиз лозим. Бу машқ ва юришлар Қуролли Кучларни тайёрлашда яна бир шахдам одим бўлишига аминмиз. Сизлар ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли уддалайсизлар деб партия Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан ишонч билдираман. Бу ишда сизларни Марказий Комитет доимо қўллаб-қувватлайди ва ёрдам беради.

Сизларнинг масъулиятли ҳарбий меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар!

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи ҳозир бўлган кишилар томонидан эҳтиёт билан тингланди ва қизиқ қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Армия билан флотдаги жанговар ва сиёсий тайёргарликнинг аҳволи ҳамда чин янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов доклад қилди. (ТАСС).

ТЕРИМ ИШЛАРИ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК

Қаршида Қашқадарё области қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати асосида пахта терим кампаниясининг боришини ҳар томонлама анализ қилдилар. Район партия комитетларининг биринчи секретарлари ахборот бердилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Ғойипов ўз нутқида терим ишлари суръатини юксалтириш билан боғлиқ бир қанча масалаларга тўхталди.

Кенгаш қатнашчилари якунловчи босқичда терим ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор бердилар. Область колхоз ва совхозлари меҳнат ресурслари ва техникадан самарали фойда лансалар «оқ олтин» тайёрлаш суръатини кучайтиришлари мумкинлиги таъкидланди. Мусобақанинг моддий ва маънавий омилларини моҳирлик билан қўшиб олиб бориш, пахтани ташиш, уни сақлаш ва қуритишдаги нобудгарчиликни йўқотиш муҳимлиги таъкидланди.

Кенгаш қатнашчилари Қашқадарё қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини амалга ошира бориб, юбилей йилида зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажарадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигининг «Ўзтюмендорстрой» трести коллективи Урай аэропортининг учиш-қўниш майдони биринчи навбатини муддатидан илгари фойдаланишга топширди. Бу муҳим объектни ишга тушириш мамлакат маъмурий марказлари билан ҳаво алоқасини пухта таъминлаш имконини берди, бошқа турдаги транспорт ўта чекланган Шаимск, Красноленинск ваби нефть-газ олувчи районларнинг ривожланишига кенг йўл очади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БОҒ-ЗАВОДНИНГ ҲОЗИРИ ВА КЕЛАЖАГИ

С. М. КИРОВ НОМИДАГИ ХЎЖАОБОД АГРОСАНОАТ КОМБИНАТИ ЕР, ТЕХНИКА ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲАММА ТАРМОҚЛАРИ ҒОЯТДА САМАРАЛИ БЎЛИШИГА ЭРИШЯПТИ.

С. М. Киров номидаги агросаноат комбинати — республикада боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштирувчи жуда катта хўжаликдир. У Ўзбекистондагина эмас, Ўрта Осиёдаги қўшни республикаларда ҳам яхши маълум. Хужаободликлар ширин узум, қип-қизил олма, қирмизи нок, тилларанг шафтоли, ҳар хил шарбатлар, мураббо, жемларни Урал машинасозларига ва Ноқоратупроқ зонани ўзлаштирувчиларга, Тюмень геологлари ва Владивосток денгизчилари, БАМ қурувчилари ва Якутиянинг бунёдчиларига — мамлакатнинг 28 шаҳар ва областларига юбориб турибдилар. Ширин-шакар маҳсулотлар қардош Монголияга ҳам юборилмоқда. Молдавиядан, Хўжаобод агросаноат комбинати билан мусобақадош «Шоманешти» совхоз заводидан тажриба ўргангани ўзбек боғдорчилик миришкорлари ҳузурига келишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган докладини, партия Марказий Комитети Пленумининг материалларини хўжалик коллективи чуқур ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш борасида узоқ муддатга мўлжалланган программа қабул қилди. Ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликларда озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга мумкин қадар кўпроқ ҳисса қўшиш унинг асосий вазифасидир. Ўзлаштирилган бўз участкаларни оборотга киритиб, бу жойларда бир ярим минг гектар боғ ва токзор барпо этиш мўлжалланади. Шунинг ҳисобига ҳўл мева ва узум етиштириш бу йилга нисбатан 2 баравар кўпаяди — мамлакат хўжаободликлардан ҳар йили 40 минг тоннагача ширин-шакар маҳсулот олади. Ишлаб турган консерва заводининг қуввати 2,5 бара вар ортади. Қуруқ мева тайёрлаш анча кўпаяди. Комбинатимизнинг чорвачилик фермаларн шу йилга нисбатан қарийб икки ярим баравар кўпроқ сут ва гўшт беради, чорва маҳсулдорлиги ортади, моллар сони кўпаяди.

Завод директори Миробид МАҲМУДОВ:

— Биз яна бир линияни — республикада биринчи ҳўл мева порошоги ишлаб чиқарадиган линияни ишга туширишга тайёргарлик кўряпмиз. Уни Украина Фанлар академияси Киев техник-теплофизика институтининг олимлари ясагандирлар, биз уни ишлатиб кўришга қарор қилдик. Тамомила чиқитсиз технология сари биринчи қадам қўяпмиз — шарбат тайёрлашдан қоладиган мева турупини порошокка айлантирамиз. Бу порошоклар кондитерлик саноати ва гўшт-сут саноати учун жуда яхши хом ашё бўлади.

Ҳозир завод ўттиз тўрт хил консерва тайёрлаб чиқармоқда. Табиий шарбат, компот, мураббо шулар жумласидандир, цукат ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Уша Киев институти конструкциясидаги янги қуритиш агрегатларини олдик. Шу йилнёқ минг тонна — пландан қарийб тўрт баравар кўп қуруқ мева ортиб жўнатамиз. 1990 йилга борганда унинг миқдори икки баравар кўпаяди, чунончи тайёрланадиган майизни 500 тоннагача етказамиз. Булар янги техникани жорий этиш натижасидир.

Комбинат директори Масодиқ Мадиёров бўш вақтларида хўжаликдаги боғбонлар тайёрлайдиган 95-ҳунар-техника билим юртида бўлиб, бўлажак соҳибкорларга қимматли маслаҳатлар беради. Ўтган давр мобайнида билим юртида мингга яқин ёш соҳибкорлар етишиб чиқди.

СУРАТДА: комбинат директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Масодиқ Мадиёров ва билим юрти директори Пўлатбек Мамадалиев бўлажак боғбонлар орасида.

Б. ЮСУПОВ ва Р. АШУРОВ фотоси. (ЎзТАГ).

ТОКЗОРЛАР ТОҒЛАРГА ОДИМЛАМОҚДА

«Бош табиий бойлик — ердан самарали фойдаланмаётган хўжаликлар ҳам борлиги маълум».

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладидан).

— Бўз ерга хўш келибсиз! — деди комбинат директори Масодиқ Мадиёров. — Бу бизнинг янгилигимиз, олдинги маррамиздир. Бош ҳужум ҳам мана шу ердан бошланади.

Боғишамол ўз номини оқлагандек қаттиқ-қатиқ шамоллар билан кутиб олди. Мурғак дарахтлар шамол кучини кесмоқчи бўлгандек қатор турарди. Ёш токзор жазирама тепаликлар орасида, адир жойларда кўм-кўк орол ҳосил қилгандек эди.

— Пленумда Леонид Ильич асосий табиий бойлик — ердан оқилона фойдаланилмаётган жойлар ҳам борлигини тўғри айтди. Бизда эса ҳар бир парча ер икки баравар, уч баравар қадрлидир, чунки биз уни оғир шароитларда меҳнат қилиб чўлдан ажратиб олганмиз, — дейди директор. — Яна уч йилдан кейин келсангиз Боғишамолни таниёлмай қоласиз.

Бугунги Боғишамол — одамининг маҳорати ва миришкорлиги билан табиатдан ажратиб олинган 1.400 гектар ер, комбинатнинг учта янги бўлими, учта посёлка, лимонзордир. Боғишамол ҳали мева бермаяпти, у картада эндигина пайдо бўлди, лекин ўзлаштирилган ернинг ҳар бир гектари ҳосил бера бошлади. Бу ерда бор қатор ораларига чўлқуварлар картошка, ковун-тарвуз, макка-жўхори, ҳашаки лавлаги, ковоқ экдилар. Собиқ адир ерлар деҳқонларга жуда яхши картошка ҳосили берди, ширин-шакар тарвузлар мана шу ердан андижонликларнинг дарстурхони сари йўл бошламоқда, фермаларнинг ем-хашак запаслари ҳам тўлди — сариқ тепаликларда мўл маккажўхори ҳосили битди.

Бу ерга одам келишини, унинг меҳнатсевар қўллари, мардлигини кутаётган жойлар оз эмас. Хўжаободликларда ёса бундай сувсиз участкаларни ўзлаштириш тажрибаси етарли.

30 йил мобайнида агросаноат комплексининг коллективи қарийб 14 минг гектар адир ерларни оборотга киритди. Ана шу ўзлаштирилган ерларда ҳозир учта хўжалик — Фрунзе номли, «Болгария» ва «Прогресс» совхозлари барпо этилди. С. М. Киров номли агросаноат комбинатидан вужудга келган бу совхозлар ундан ўрнак олиб ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлидан бормоқда.

Масодиқ МАДИЁРОВ:

— Асосий интиҳоидан 1968 йилда ўтдик. Ўшанда комбинатга халқ азалдан Ёмонадир, деб атаб келган катта бир участка берилди. Бу ерга ҳатто чорва ҳам ораламасди. Ўт-ўлан ўсиб чиқиши биланоқ офтоб уни қовжиратиб юборарди. Биз у ёққа май ойида келдик. Ҳаммаёқ кўм-кўк куклам, Ёмонадир эса ийқуда ётгандек эди. Қанчадан-канча бўз ерларни кўрган бўлсам-да, лекин бунақаниси учратмагандим, ҳато ундан воз кечишни ҳам хаёлимга келтирдим. Сўнгра бир ярим гектар ер бекор ётишини ўйлаб қолдим. Ер эса тощек бўлиб плуг ҳам кесолмасди. Ота-боболарнинг усули — сўқа билан ҳайдаб кўрсакчи. Тракторга тиркаладиган омочни солсак нима бўлар-кин? Шундай қилиб омочнимизни адирга мосладик, у ернинг юқори қатламини қиртишлаб олди. Эндиликда ана шу тошлоқ жойлар гектар бошига 70 центнердан узум бермоқда. Лекин бунинг учун уларни сугориш керак эди. Андижон сойидан канал очиб сувни аввал 80 метрга, ундан кейин яна 50 метрга кўтардик, сув ҳайдаш учун тўртта кучли насос станциясини ўрнатдик. Шундай қилиб боғлар тоғлар сари йўл олди, кечаги адир ерлар гуллаб яшнади. Довдарахтлар ҳосил беришга ҳозирлик кўриб юрган йиллар ичида катор ораларида 500 тонна тарвуз етилди, 100 тонна картошка ва сабзи олдик. Ўзлаштиришнинг биринчи йилида шундай бўлган эди, ундан кейин ҳўл мева ниҳона қила бошлади, узум етилди. Эндиликда Ёмонадир «Болгария» совхозига айланган бўлиб ҳар йили 3 минг тонна узум ва 500 тонна ҳўл мева бермоқда.

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДА

«... Қишлоқ хўжалик самарадорлигининг калити — ишлаб чиқаришни интенсивлашдадир».

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладидан).

Комбинат идорасида хўжалик бош мутахассисларини топиш осон эмас. Бунга сабаб шуки, комбинатнинг ерлари кўм-кўк тоғларгача, қардош Қирғизистон чегараларигача жуда катта майдонга ёйилган. Шомансур Шоқаримовни комбинат подъезд йўлининг темир йўл станциясидан топдик. Хўжаободликлар етиштирган ҳўл мева ва узум олис йўлни шу жойдан бошлайди. Шоқаримов мана шу ширин-шакар меваларни Уралгача етказиб бориш ташвишида. Ҳар бир яшикни кўздан кечириб ҳаммаси жойида эканлигига қаноат ҳосил қилди.

Шомансур Шоқаримов бошқа мутахассислар каби хўжаликда анча йил ишлаган. Бош агрономнинг хизматларига юксак баҳо берилди — у Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденлари билан мукофотланди. Ҳозир хўжаликда доимий ишлатилаётган кўпгина агротехник янгиликлар шу агрономнинг матонати, ижодий изланишлари туфайли жорий этилган. Комбинатнинг маҳсулоти истеъмолчига қадар етиб бориши тўғрисидаги ғамхўрлиги ўзи учун мажбурий деб ҳисоблайди. Чунки ҳар бир тонна олма ёки узумда юзлаб деҳқонларнинг меҳнати бор. Маҳсулот маҳоратимизнинг визит карточкаси, деб ҳисоблайди Шомансур.

Бригадир Неъматилла Абдулаҳадов дарахт тепасидан олма узиши учун оёқ учида туриши кифоя. Бригаданинг ихтиёрида 400 гектар палметт боғлар бор. Уларнинг ҳар гектари 400 центнердан мева беришига бригадирнинг ишончи комил.

Шомансур ШОКАРИМОВ:

— Интенсив типдаги боғ ва токзорлар яратиш, агросаноат интеграцияси хўжаликни ривожлантиришнинг бош йўналишидир. Биз палметт (пакана) боғларни 1970 йилдан бунёд эта бошладик. Ҳар бир янгилик сингари унинг ҳам тарафдорлари тезда топилақолди. Шу эксперимент топширилган коллективга Неъматилла Абдулаҳадов бошчилик қилди. Пакана боғдорчиликнинг салбий томонлари ҳам бор эди. Дарахтларни жойлаштиришнинг турли схемалари синаб кўрила бошланди. Одатдагича 10 квадрат метрда 10 туп дарахт жойлаштириш кўл келмади. 5 квадрат метрда 5 туп схемаси энг ҳосилли бўлиб, гектар бошига 370 центнердан ҳосил олинди. Эндиликда Неъматилла 400 центнер олма олишни мўлжаллаяпти ва шу ниятига яқинлашиб қолди. Биздаги 4 минг гектар боғда пакана дарахтлар атиги ўндан бир ҳисса жойни эгаллаб турган бўлсада келажак шуларникидир. Пакана голден спур бугунги кундаёқ розмарин, симеренко, золотой грайма, бельфлор, лансберг каби машҳур бўйдор навлардан қолишмаяпти. Пакана дарахтлар парваришига меҳнат сарфи анча оз, қўл меҳнатининг ҳиссаси камаяди, ҳар гектарнинг самараси эса анча кўтарилади.

Янги навлар ва бошқа хил меваларни ҳам излашдан тўхтамаймиз. Хўжаликда жуда эрта — май ойидаёқ ҳосил берадиган шофтоли нави яратилди. Кам ҳосил эски мевазорларни истиқболли, серҳосилли навлар билан алмаштириш ишлари

«Ўзбекистон ССРда... ўн йилликда мева ва резавор мева етиштириш тахминан 1, 8 баравар, узум етиштириш 3 баравар кўпайтирилиши таъминлансин. Узумнинг ҳўраки ва майизбоп навларини етиштиришни кўпайтириш ва уни савдога етказиб бериш, шунингдек лимон етиштиришга алоҳида эътибор берилсин».

(СССРнинг Озиқ-овқат программасидан).

Мутахассислар механизациялаш даражаси 80 процентгача юксак бўлишини комбинатнинг меҳнатда эришган муваффақиятларининг асосий томонларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Ҳозир хўжаликда катта машина парки бор: унда 450 тадан кўп ҳар хил машиналар ишлаб турибди. Боғ ва токзорлардаги ишларни бажарадиган машиналар. К-700 маркали кучли трактор, 50 та ҳайдов трактори шулар жумласидандир. Агросаноат комбинати янги ерларни ўзлаштиришни давом эттириш туфайли бу ерда хўжаободлик чўлқуварлар учун зарур бўлган машиналар парки ҳам вужудга келтирилган. 13 бульдозер, 2 скрепер, пармалаш станоги шулар жумласидандир. Ер ости қўлларининг разведкачилари комбинат территориясидагина 18 қудуқ кавладилар, артезиан қудуқ суви адир ерлардаги токзор ва боғларни суғормоқда, сув тақчил пайтларда қўл келмоқда. Тошлоқ ерлар ғоятда қақраган бу йилги ёзда ер ости суви уларни қондириб турди. Районда агросаноат комплексининг пармаловчилари ишламаган хўжалик йўқ.

Бундан ўттиз йил аввал хўжаликда 2 тагина ХТЗ, 2 та «Универсал» трактори, 40 ҳўкиз, бир автомашина бор эди, холос. Шу машиналар — ускуналарнинг ҳаммаси 700 гектар боғ билан 30 гектар токзорга хизмат қиларди. Архивда хўжалик ташкил этилган йил — 1932 йилнинг ведомости сақланиб қолган: 70 гектар боғ, 3 гектар токзор, 3 та «Форд-зонд», 40 та ҳўкиз, 50 та от, битта «полуторка» юк машинаси бўлган.

Бугунги кундаги агросаноат комбинати — боғ ва токзорлар билангина чекланмайди. Тўрт минг гектар боғ ва 800 гектар токзордан олинадиган маҳсулотнинг 70 процента истеъмолчиларга янги ҳолида юборилса-да, қолгани шу жойнинг ўзида қайта ишланади. Шундай қилиб хўжаликда нобудгарчиликка батамом барҳам берилди.

Бундан ўн йил аввал бу ерда консерва заводи қуришга қарор қилишди. Қурилишга ҳамма ҳашарга чиқди. Комбинатда бир неча йилдан бери ишлаб турган кичик бир гишт заводи зўр бериб ишлай бошлади.

Одесса технология институтини битирган Миробид Маҳмудов бу ерда биринчи қунлардан бери ишламоқда. Комбинат уни Одессага ўқишга юборди. Консервалаш технологияси инженери М. Маҳмудов диплом олгандан кейин ҳам ўқишни давом эттирди — комбинат бош инженерни, сўнгра завод директорини тажриба орттириш учун турдош корхоналарга неча марта командировка қилди.

Хўжаобод консерва заводини улкан завод деб бўлмайди. Аммо у энг замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланган. Биз яна бир автоматлашган линия ишга туширилган шоҳли кунда келибмиз. Цехда ҳали оҳак ва бўёқ ҳиди келиб турарди, конвейердан сирқаланган помидор банкалари тўхтовсиз тушиб турарди. Помидорлар бу ерга районнинг қўшни хўжаликларидан келтирилган.

Янги линия бу йил пландаги 18 миллион банка ўрнига 30 миллион шартли банка консерва тайёрлашга имкон беради. Завод иш бошлаган биринчи йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш қарийб ўн баравар кўпаяди.

МАШИНАЛАР ЗИММАСИГА

«... 1990 йилгача бўлган даврда деҳқончилик ва чорвачиликни асосан комплекс механизациялаб бўлиш ҳамда саноатнинг озиқ-овқат тармоқларини янги техника асосида қайтадан қуроллантириш биринчи даражали вазифа ҳисобланади».

(СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасидан).

КОМБИНАТ БУНЁД ЭТИЛЯПТИ

«Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш тадбирлари Озиқ-овқат программасининг таркибий қисмидир... Мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, клублар қурилиши кенгайтирилади. Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади».

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладидан).

Бу ерда «қурилиш» энг кўп ишлатиладиган сўздир. Хўжаободликлар «ерни ўзлаштиришга ўргандилар, демак қуришни ҳам ўргандилар», дейишади. Учинчи бўлимнинг марказий қўрғони — қўкаламзор боғ-роғларга бурканган ёруг ва шинам уйлар шаҳарчаси СССР Халқ Хўжалиги ютуқлари виставкасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланганлиги бунга ёрқин мисолдир. Бу республикада ва бутун мамлакатдаги энг яхши посёлкалардан бири бўлиб, чўлқуварлар вақтинча яшаган палаткалар ўрнида қад кўтарди. Комбинат кўп бино қурмоқда. Махсус қурилиш штаби ташкил этилди, директорнинг қурилиш ишлари билангина шуғулланувчи ўринбосари ҳам бор. Рубик Ёқубович Бекмуҳамедов бу лавозимда кўп йиллардан бери ишламоқда.

Иккита қурилиш ташкилоти мунтазам равишда комбинатга бириктирилган. Бўлар совхознинг хўжалик ҳисобидаги қурилиш отряди ва республика мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли 5-механизациялашган кўчма колоннадир. Завод йилига қарийб етти миллион дона гишт тайёрлаб беради, Қурилиш жадал суръатлар билан олиб борилиши учун бу катта аҳамиятга эга.

Комбинат коллективи хўжаликни ривожлантиришнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган программасини қабул қилганида қурувчилар ҳам ўз планини ишлаб чиқдилар. Яқин вақтлар ичида ёзги клуб, 400 ўринли ётоқхона, 624 ўринли мактаб, болалар боғчаси, 16 та квартирали турар-жой фойдаланишга топширилади.

Рубик БЕКМУҲАМЕДОВ:

— Саноат қурилиши ҳажми жуда катта. Бу йил уч минг тонна мева сақланадиган омбор, гараж, тўрт юз бош чорва молга мўлжалланган ферманинг иккинчи навбатини ишга туширишни режалаштирмоқдамиз. Ферманинг биринчи навбати тахт қилиб қўйилган. Темир йўл шахобчаси, яқинида меваларни дастлабки тартибда совутадиган камера бунёд этдик. Бу билан етти юз тонна маҳсулотнинг жўнатиш олдидаги меваларни қайта ишлаш учун консерва заводларига жўнатишга мажбур бўлган эдик. Чунки узоқ йўлда меваларнинг бузилиб қолиши мумкин эди. Консерва заводида шарбатлар сақланадиган янги цех қураяпмиз. Бу эса бирданига иккита проблемани ҳал этиш имконини беради — шарбатлар йил давомида катта-катта идишларда яхши сақланади, корхона эса узлуксиз ишлаш имкониятига эга бўлади.

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КИШИ

«Ишбилармон, жонкуяр одамлар билан ишлашга моҳир киши бошчилик қилаётган участкадан кўнгил тўқ бўлиши мумкин. Бундай раҳбарларни ўз ўрнини топган киши дейдилар... Одатда раҳбарлик барқарор бўлган тақдирда коллективларнинг ишида юксак натижаларга эришилиши яхши маълум».

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладидан).

Масодиқ Мадиёров эллигинчи йилларда совхозни қабул қилиб олганда кассада ҳеч вақо йўқ эди. Хўжалик салкам ярим миллион сўмлик зарар кўрган эди. Мадиёров бундан чўчимади. Совхоз партия ячейкасида ўша пайтда етти киши бор эди. Мана шу кичик отряд янгилик ташаббускори бўлди. Коммунистлар ишни ерларни ўзлаштиришдан, боғлар ва токзорларни тартибга солишдан бошлади. Орадан бир йил ўтгач уч миллион сўмлик даромад олинди.

Комбинат директорини каттаю кичик ҳурмат билан оқсақол деб атайди. Деҳқон фарзанди М. Мадиёров ўз умрининг ярим асрини ўзи севган асосий ишга — ерни боғ-роғлар билан безашга сарфлади. У ўттизинчи йилларда Иван Владимирович Мичурининг боғ-лабораториясида бўлиб, машҳур боғбон олимнинг маҳорат «сирлари»дан хабардор бўлди. Бу ҳақда селекциячи олимнинг шогирдлари гапириб бердилар.

Бўлим бошқарувчилари Ўринбой Абдураҳимов ва Қаҳрамон Собиров, бригада бошлиқлари София Расулова, Мирза Низомов, Солижон Йўлдошев, зоотехник Мадамин Абдураҳмонов ва агросаноат комбинатининг кўпгина бошқа ходимлари доймо ўқийдилар, республика хўжаликларида бўладилар, тажриба ўрганадилар, барча янги ва илғор усулларини ўзларида жорий этадилар.

Ҳозирги вақтда агросаноат комбинатида элликка яқин олий маълумотли киши ишлаб турибди ва уларнинг сони кўпаяверади. Комбинат йўлланмаси билан кўпгина қишлоқ ёшлари олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Хўжалик ҳузуридаги ҳунар-техника билим юрти энди эҳтиёжни қондирмаяпти — маъмурият бу ерда техникум очиш ҳақидаги илтимос билан тегишли идораларга мурожаат этишга қарор қилди. Чунки комбинат учун ўрта бўғин мутахассислари жуда ҳам зарур.

Партия комитетининг секретари Давронбек ҚАМЧИЕВ:

— Коллективимиз бир ташвиш билан — Ватанга имкони борича кўпроқ қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бериш ташвиши билан яшамоқда. Хўжалик партия ташкилотида 191 нафар партия аъзоси ва кандидати бор. 15 та цех партия ташкилоти ҳар бир меҳнатчини диққат марказида тутмоқда, коммунистлар меҳнатда намуна бўлмоқдалар, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Ишнинг юқори сифатли бўлиши — мусобақанинг асосий шартларидан биридир. Ишчи Флюра Илёсова цех партия ташкилотининг секретари бўлган иккинчи бўлим коллективи барқарор ҳосил олишга эришишда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Коммунист механизаторлардан Николай Трунов, Акки Видиявлаев, ишчи Жаббор Мадраҳимов ва кўпгина бошқалар зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари Сергей Геннадьевич ХОРЕВ:

— Республика Мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумида таъкидлаб ўтилганидек, вазифа ана шу қимматли озиқ-овқат маҳсулотини етиштиришни йилига 10 миллион тоннагача етказишдан иборат. Тармоқни интенсив ривожлантириш — мана шу вазифани ҳал қилиш йўлидир. С. М. Киров номидаги агросаноат комбинатининг коллективи бу соҳада намуна бўлмоқда. Хўжаободликлар ишлаб чиқаришни қўпайтиришнинг тўғри резервини топиб олишди. Бу — ҳар бир гектар самарасини оширишдир.

СССРнинг Озиқ-овқат программасида минерал ўғитлардан ва химиялашнинг бошқа воситаларидан самарали фойдаланишга катта эътибор берилган. Боғдорчилик — узумчилик хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлаш системасини ҳам такомиллаштириш керак. Биз ҳозирча дала витаминларини пахтакор хўжаликлар сингари ҳосил етилиб пишгандан сўнг олмоқдамиз. Бунда «Сельхозхимия» ташкилотлари кўп миқдордаги ўғитни ёз фаслининг охирига бориб, боғбонлар ҳосилни йиғиштириб олишга тайёргарлик кўраётган пайтда етказиб берадилар. Ўғит йил бошида, ана шу ҳосил тўпланаётган пайтда зарур бўлади. Министрлик хўжаликларни бир йил учун режалаштирилган ўғитларнинг етмиш процентигача бўлган қисмини йилнинг биринчи ярмида олишлари лозим. Бу эса гектар самарадорлигини анча ошириш имконини беради.

Мамлакат аҳолисини янги сабзавот ва ҳўл мева билан йил бўйи таъминлаш вазифаси қишлоқ хўжалик фани олдига бир қанча муҳим проблемаларни қўймоқда. Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларининг иши практикларга кўп нарса берди, албатта. Бироқ биз тадқиқотчилардан маҳсулотни яхшироқ асрашга ва қайта ишлашга қаратилган очимларни, республиканинг турли регионларида интенсив боғдорчиликни жорий этишга оид тавсияларни кутамиз. Хозирча бундай тавсиялар йўқ. Шу боисдан хўжаободликлар дарахтларни жойлаштиришнинг қўлай схемасини ўзлари ишлаб чиқишди.

Фан билан ишлаб чиқаришнинг юксак самарали боғланиши ўзбек боғбонлари ва соҳибкорларига маҳсулот етиштиришни кескин равишда қўпайтириш, мамлакатнинг Озиқ-овқат программасида белгиланган топшириқларни бажариш имконини беради.

Ушбу саҳифа материаллари «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси учун ЎзТАГ мухбирлари К. НИЗОМОВ ва С. ФЕНЮТИНЛАР томонидан тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Совет ҳокимиятининг дастлабки, ғоят машаққатли йилларидаёқ доҳиймиз В. И. Ленин илм-фан ривожига алоҳида эътибор билан қараганлигини, олимларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Доҳиймиз В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, Коммунистик партия фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳамиша катта эътибор бериб келди ва бугунги кунда бунга масалаларнинг масаласи, деб қарамоқда.

Ўтган 65 йил вақт ичида совет илм-фани ва техникаси жаҳон фан-техникасининг олдинги жабҳаларига чиқиб олди. Совет олимлари ўз изланишлари, ақл-заковатлари, талантлари билан инсоният тараққиётига баракали таъсир кўрсатмоқдалар, совет қишлоқлари фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида беминнат хизмат қилмоқдалар. Шу жумладан, ўзбек олимларининг жаҳоншумул ишлари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтса арзийди.

Шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикамиз олимлари илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишга, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқани мустаҳкамлашга доимо диққат-эътибор бериб келаётганлигини айтиб ўтиш жуда ўринлидир.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бунга ёрқин мисолдир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг пленумдаги ёрқин докладида Ўзбекистон олимларининг жуда катта ишлари анализ қилиниб, юксак баҳоланиш билан бирга, бу борадаги камчиликлар, проблемалар, резервлар партиявий принципиаллик билан кўрсатиб ўтилди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклади бўйича пленум қабул қилган қарор илмий-тадқиқот муассасалари олимлари билан бирга биз, олий ўқув юртларининг профессор — ўқитувчилари зиммасига ҳам конкрет, масъулиятли вазифалар юклайди.

Пленум ҳужжатларида саноат, қурилиш, медицина, алоқа ва бошқа соҳаларни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий проблемалар, вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, пленумда КПСС Марказий Комитети май (1982 й) Пленуми қабул қилган Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришда олимлар зиммасидаги илмий-тадқиқот ишларига катта аҳамият берилди. Қишлоқ хўжалигининг тараққиёти билан боғлиқ илмий муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз нутқида «...Қишлоқ хўжалигидаги барча энг муҳим социал-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилиши бугунги кунда кўп жиҳатдан илм-фаннинг самарадорлигига боғлиқдир. Шунинг учун фундаментал тадқиқотларнинг ва конкрет амалий лойиҳаларнинг сифатини бутун чоралар билан ошириш зарур», деб алоҳида кўрсатиб ўтди.

Бир қарашда қишлоқ хўжалиги борасидаги илмий муаммолар, вазифалар билан институтимиз ўртасида умумийлик йўқдек туюлади. Аслида эса институтимизни битириб чиқаётган қурувчи, энергетик, механик, технолог инженерларнинг кўпчилиги колхоз-совхозларда, «Узгоскомселхозтехника» ташкилотларида меҳнат қилмоқдалар. Инженер — ижодкор киши. Ундаги илмий-тадқиқот, ихтирочилик ва рационализаторлик ишларига дастлабки қўникмалар, маҳорат институт аудиторияларида, лабораторияларда ва ўқитувчиларнинг ёнида шаклланади. Студентлар конструкторлик бюроси, илмий-тадқиқот ишларидан ташқари талабаларимиз ҳўжалик шартномаси, давлат бюджети бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларида актив қатнашмоқдалар. Студентларимиз ўз илмий ишлари билан СССР Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, турли Бутуниттифоқ, республика конкурс ва олимпиадаларида актив қатнашиб, мукофотли ўринларни эгаллашмоқдалар. Қисқаси, фан-техника асри бўлган даврининг етук, билимдон, изланувчан, ташаббускор инженери бўлиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларида актив қатнашмоқдалар.

Олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёни илмий-тадқиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Институтимизда олиб борилаётган илмий ишларнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш истиқболлари партия йиғилишларида, институт Советида тез-тез кўриб борилади. Илмий ишлар борасидаги ютуқлар таҳлили навбатдаги энг актуал вазифаларни белгилаб, планлаштириб олиш имконини бермоқда.

Институтимиз профессор — ўқитувчилари ва студентлари ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари бўйича самарали илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Олимларимизнинг илмий-тадқиқот соҳаси ютуқларининг эътироф этилишини қуйидагиларда кўриш мумкин: институтимиз базасида бир неча марта турли мавзуларда Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциялари, симпозиумлари ўтказилди. Олимларимиз орасида республика, Бутуниттифоқ мукофотларига сазовор бўлганлар бор. Чиқарилаётган маҳсулот сифатини автоматик тарзда назорат қиладиган янги механизмлар ва приборлар ишлаб чиқилди. Пахта, газмол намлиги ва сифатини автоматик назорат қиладиган приборлар халқ хўжалиги учун жуда катта самара бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленумида халқ хўжалигининг барча соҳалари билан боғлиқ проблемаларни ҳал қилишга тармоқ илмий — тадқиқот институтлари билан бир қаторда олий ўқув юртлари профессор — ўқитувчилари ҳам катта ҳисса қўшаётганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу ўринда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш муаммолари устида олиб борилаётган илмий ишларимизга кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Олимларимиз қишлоқ қурилиши муаммолари устида жуда катта ишлар олиб бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитети май Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программасининг бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида қурилиш факультети олимлари бир қанча ишларни амалга оширдилар, янги вазифаларни белгилаб олдилар. Олимларимиз Марказий Фарғона ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича самарали илмий тавсиялар ишлаб чиқишга катта кучғайрат сарфламоқдалар. Шўрхок, қумлоқ ерларда қуриладиган биноларнинг иссиққа, зилзилага чидамлилигини ошириш мақсадида олиб борилаётган илмий ишлар натижаларининг қурилишга дастлабки татбиқ этилиши яхши самаралар бермоқда. Энг муҳими қишлоқларда бунёд этилаётган уй-жой, маданий-маиший биноларининг қурилиши, безатилиши, яратилган шарт-шароитлар пахтакорлар, чорвадорлар, боғбон ва сохибкорларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб беришига эришишга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда «Ферганаводстрой» трести билан 112 минг сўмлик илмий ишлар бўйича шартнома тузилди ва бажарилмоқда. Яқин-яқингача ҳам Риштон кулолчилик заводида кўплаб сопол синиқлари чиқит сифатида ташлаб юборилар эди. Институтимиз олимлари тавсияси билан сопол чиқитларидан Фарғона ўйсозлик комбинатида ажойиб мозаик безаклар ишлаб чиқилмоқда. Бу сувга, намликка ва иссиқликка чидамли мозаик плиталар қишлоқларда қурилаётган бинолар чиройнга чирой қўшмоқда.

Замин ва пойдевор кафедраси олимлари ғоят муҳим проблема — Катта Фарғона канали сув балансини электрон ҳисоблаш машиналари орқали марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш ва сувдан рационал фойдаланишнинг оптимал йўлларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб бормоқдалар.

Институт коммунистлари йиғилишида олимларимиз Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган энг муҳим вазифаларни белгилаб олдилар. «Ферганаводстрой», «Ферганаирстрой» трестлари билан ҳамкорлик асосида бир қанча илмий ишлар олиб борилмоқда. Фарғона ёғ-мой комбинатида ишит етказиб беришни автоматик бошқариш системаси. Тошлоқ пахта тозалаш заводида пахта намлигини ўлчайдиган оптоэлектрон прибор ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек: ёғмой комбинатида пахта ёғи сифатини назорат қиладиган автоматик прибор ясаш, Қувасой паррандачилик фабрикасида ишлаб чиқариш чиқитларидан оқсил моддаси олиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Пахтачилик ва сабзавотчиликда фойдаланиладиган машиналарни янада такомиллаштириш бўйича олиб бораётган ишларимиз қизғин давом эттирилмоқда. Айниқса, машинада терилаётган пахтанинг нафосланишини максимал даражада камайтириш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларимиз бугунги кунда катта амалий аҳамият касб этмоқда.

Кейинги пайтларда илмий ишларни планлаштиришда қўпгемаликдан воз кечиб, олимлар меҳнатини ишлаб чиқаришнинг ривожига самарали таъсир этадиган, энг муҳим, йирик темаларга сафарбар этишга эътиборни қаратмоқдамиз. Хўжалик шартномаси, давлат бюджети бўйича олиб борилаётган илмий ишлар салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган беш йил ичида биргина хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари беш баробарга ортиб, бу йил 600 минг сўмликни ташкил қилмоқда. Тугалланган илмий ишларнинг халқ хўжалигига тадбиқ 4 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий самара бермоқда.

Илмий-тадқиқот институтлари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва саноат корхоналарининг йирик, тажрибали мутахассислари билан ҳамкорлик ютуқларимизга асос бўлмоқда. Масалан, СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиялари илмий-тадқиқот институтлари ва мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртлари билан биргаликда бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб борямиз. СССР Фанлар академиясининг Лебедев номли физика институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика институти, Ленинград политехника институти олимлари билан ҳамкорлик катта самаралар бермоқда.

Пленумдаги ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклади, қабул қилинган қарордан келиб чиқадиган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги борасидаги вазифалар барча олимлар қатори биз, Фарғона политехника институти профессор-ўқитувчиларидан ҳам илмий-тадқиқот ишларида ташаббускорлик, тинимсиз, изчил меҳнат, катта сабр-бардош талаб қилади. Институт коллективи пленум қарорларини бажара бориб, Ватанимиз қудратига қудрат қўшиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида янада ғайрат билан меҳнат қилади. Пленумда илмий муассасалар, олий ўқув юртлари фаолиятларидаги жиддий камчиликларга, фойдаланилмаётган резервларга, эътибордан четда қолаётган соҳаларга партия ташкилотлари диққати қаратилди. Институт партия ташкилоти олимларимиз куч-ғайратини илм-фан тараққиётининг энг муҳим проблемаларига сафарбар этиш бўйича алоҳида тадбирлар ишлаб чиқди ва у амалга оширилмоқда.

Коммунистик қурилишнинг энг улуғвор, масъулиятли вазифалари илм-фан, техника беқиёс ривожланиб бораётган бир шароитда амалга оширилаётганлиги ҳозирги давримиз учун ғоят характерлидир. Илм-фан тараққиёти ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳаёт совет кишилари олдига қўйётган ғоят долзарб вазифаларнинг муваффақиятига мустаҳкам асос бўлади. Олимларимиз коммунизм моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, янги жамият кишисини тарбиялашга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадилар. Айниқса, тадқиқотлар натижаларини тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этишдек муҳим ишга эътиборни ҳар қачонгидан кучайтирадилар.

М. САЙДАЛИЕВА,
Фарғона политехника институти ректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, геология-минерология фанлари доктори, профессор.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУТУН ҲОСИЛ — ХИРМОНГА!

Ўтган куни республика тайёрлов пунктларига 36.061 тонна пахта топширилди. Ана шунинг 24.200 тоннаси агрегатлар бункеридан бўшатилди. Бир кунда 4.258 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Республика «оқ олтин» хирмонининг умумий салмоғи 4.831.498 тоннага етди. Ана шунинг 374.425 тоннаси пахтанинг қимматбаҳо ингичка толали навидир.

БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

Тошкент

Чиноз райони меҳнаткашлари юбилей йили социалистик мажбуриятни ҳисобига пахта топшира бошладилар. Чинозликлар эл хирмонига 31,2 минг тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Ҳосилдорлик гектарига 34,7 центнерни ташкил этди. Бутун ҳосилнинг 86 процента ёки 27 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди.

Район меҳнаткашларининг муваффақиятига Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари ва бошқа хўжаликлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Навоий номли колхознинг Ўринбой Акромов бошлиқ бригадаси энг юқори ҳосилдорликка эришди. Бу бригада деҳқонлари 60 центнердан ҳосил кўтардилар ва эндиликда 65 центнерлик маррани эгаллаш учун курашмоқдалар. «Қизил Октябрь» колхозидан Эркин Очилов, Охунбобоев номли колхозидан Абдураҳмон Бекмуродов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Анатолий Пак, Энгельс номли колхозидан Бибиҳаёт Суханова бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари ҳам юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Механизаторлар мусобақасида Киров номли колхоз бригада бошлиғи, таниқли механизатор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова пешқадамликни эгаллади. У ўз агрегати бункеридан 460 тоннадан зиёд ҳом ашё бўшатди.

Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз меҳнаткашлари йиллик планни бажардилар. Хўжалин деҳқонлари 1.400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил кўтардилар. Заршунослар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга бел боғладилар.

Бухоро

Қоракўл райони пахта усталари юбилей йили рапортига имзо чекдилар. Қоракўлликлар эл хирмонига 52 минг тонна хом ашё топширишди. Ҳосилдорлик гектарига 37,2 центнерни ташкил этди. Эришилган меҳнат ғалабасига «Искра», «Бухоро», «Правда», Киров номли ва Ленин номли колхозларнинг меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Райондаги К. Холниёзов, С. Шамсуддинов, К. Равзоқов, Р. Эгамбердиев, Ф. Шаропов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гектаридан 45—55 центнердан ҳосил кўтарилди. Қоракўлик пахтакорлар ялпи ҳосил салмоғини 61 минг тоннага, ҳосилдорликни 43,7 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Олот районидаги «Шарқ юлдузи» ва Гиждувон районидаги Ленин номли колхозларнинг заршунослари ҳам йиллик маррани эгаллаганликлари ҳақидаги рапортга имзо чекдилар.

ҚҚАССР

Қорақалпоғистонлик заршунослар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан янги-янги меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар. 27 октябргача бу ерда мавжуд 88 колхоз ва совхознинг 43 таси йиллик планни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Кейинги уч кунда 11 хўжалик топшириқни адо этди. Тўртқўл районидаги Димитров номли колхоз ана шулардан биридир. Бу хўжалик азаматлари гектаридан 41 центнердан ҳосил кўтардилар.

Жданов номли совхоз меҳнаткашлари Нукус районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини адо этдилар. Бу ерда 3.960 тонна хом ашё тайёрланди.

Навоий

Навоий районида яна бир хўжалик — «Ленин йўли» колхози йиллик маррага етиб келди. Хўжалик пахтакорлари эл хирмонига 3.403 тонна дурдона топширдилар. 774 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 44 центнердан ҳосил кўтарилди. Колхоз деҳқонлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна 1.000 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 55 центнерга етказишга бел боғладилар.

Самарқанд

Нарпай районидаги «Партия XXVI съезди» совхози деҳқоилари пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Бу ерда 137 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил кўтарилди. Совхоз пахтакорлари ҳосилдорликни яна 5 центнерга кўпайтиришни кўзламоқдалар.

Большевик районидаги К. Маркс номли колхознинг пешқадам механик-ҳайдовчиси Қилич Бобонов ўз шахсий мажбуриятини муваффақиятли уддалади. У ўз агрегати бункеридан 270 тонна дурдона бўшатди. Тажрибали механизатор мавсум охиригача яна 30 тонна хом ашё теришга қарор қилди.

Фарғона

Ҳозир областда 3 хўжалик, 154 бригада коллективи социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Олтиариқ райони механизаторлари мусобақасида «Комсомол» колхози механик-ҳайдовчиси Сотволди Тўхтасинов пешқадамлик қилаётир. Илғор механизатор мавсум бошидан буён 150 тонна пахта терди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан у яна 100 тонна пахта теришга бел боғлади.

Сирдарё

Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхозида истиқомат қилувчи Қулибоевлар оиласи пахта теримида фаол қатнашмоқда. Оила аъзолари ҳозиргача 25 тонна хом ашё тердилар. Улар яна 5 тонна пахта теришга қарор қилдилар.

Қўл теримида шу райондаги Қуйбишев номли колхоз теримчиси Холида Эгамбердиева пешқадамлик қилаётир. У мавсум бошидан буён 12 тонна пахта терди.

Сурхондарё

Область бўйича 20 хўжалик, 113 бўлим, 1.000 бригада коллективи йиллик планни уддалади.

Ўтган куни Гагарин районидаги «Пограничник» совхозида механизатор Эргаш Мирзаев шарафига байроқ кўтарилди. У ўз агрегати бункеридан 340 тонна хом ашё бўшатиб, шахсий мажбуриятини уддалади. Пешқадам механизатор бу кўрсаткични 400 тоннага етказишга қарор қилди.

Қашқадарё

Муборак районидаги қўриқ «Партия XXVI съезди» совхозининг Исомиддин Йўлдошев бошлиқ комсомолёшлар бўлими юбилей йили планини бажардилар. Ёш деҳқонлар давлатга 570 тонна хом ашё топширдилар. Ана шу ҳосилнинг 280 тоннаси ингичка толали пахтадир. Бўлимнинг Абдимурод Доналқулов, Жони Абдураҳимов, Шодиқул Очилов бошлиқ бригадаларида юқори ҳосилдорликка эришилди. Бўлим заршунослари мавсум охиригача яна 300 тонна хом ашё тайёрлашга қарор қилдилар.

Андижон

Об-ҳаво ноқулай бўлишига қарамай ўтган беш кунликда Марҳамат райони меҳнаткашлари теримда энг юқори суръатга эришдилар. Улар беш кун мобайнида йиллик планнинг 7 процента миқдорида пахта тайёрладилар. Районда «Пахтакор» ва «Октябрь 50 йиллиги» колхозларининг деҳқонлари пешқадамлик қилмоқдалар.

Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхознинг пешқадам механизатори Қирғизбой Қурбонов «зангори кема» бункеридан 215 тонна дурдона бўшатиб, ўз шахсий социалистик мажбуриятини бажарди. У яна 25 тонна пахта теришга сўз берди.

Наманган

Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози механизаторлари машинада пахта териш йиллик планини муваффақиятли уддалдилар. Хўжалик бўйича «зангори кема» бункерларидан 3.000 тонна хом ашё бўшатилди. 18 агрегатнинг ҳар бири ёрдамида ўртача 170 тоннадан пахта териб олинди. Мўминжон Аъзамов, Ҳошимжон Турсунов, Раҳбарой Қурбонова, Муҳаммад Одилов сингари дала гвардиячиларининг ҳар бири 180—200 тоннадан пахта терди.

Учқўрғон районидаги Ленин номли колхоз деҳқонларига район марказий касалхонаси ходимлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мавсум бошидан буён улар колхоз хирмонига 72 тонна дурдона териб тўқдилар. Шифокорлар мавсум охиригача яна 28 тонна «оқ олтин» теришни кўзламоқдалар.

Дунё овози — Чет эл хабарлари

ИНДУСТРИАЛ БАЗА БАРПО ЭТИЛМОҚДА

КОБУЛ. (ТАСС мухбири). «Илгари феодал ва феодализмга қадар муносабатлар ҳукмрон бўлган мамлакатда мустаҳкам саноат базасини барпо этиш — АХДП билан Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг энг муҳим вазифаларидан биридир», — деди АДР кончилик ва саноат министри М. Исмоил Дониш ТАСС мухбири билан суҳбатда. Замонавий саноат барпо этилган сайин Афғонистонда ишчилар синфи ўсмоқда. У Афғон жамиятининг энг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда, деди министр, мамлакат ишчилари халқ ҳукуматининг оддий меҳнатчи эҳтиёжлари тўғрисидаги гамхўрлигига жавобан меҳнатда янги-янги ютуқларга эришмоқдалар.

Бир қанча тармоқларда, чунончи тўқимачилик ишлаб чиқаришда нефть, кўмир, газ қазиб олиш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда шу йил меҳнат унумдорлигини ошириш, уни ташкил этишни яхшилаш, ички контролини жорий этиш ҳисобига анчагина муваффақиятларга эришилди.

«Аксилинқилобчиларнинг қўпорувчилик ҳаракатлари давом этмаганида эди, Афғонистон саноатини ривожлантиришда анча салмоқли муваффақиятларга эришилган бўлур эди», — деди Исмоил Дониш. Ҳозирги вақтда кўпгина ишчилар армия сафларида, халқ милициясида, ўзини ўзи мудофаа қилиш отрядларида Апрель революцияси—ғалабаларини ҳимоя қилмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси фабрикалар, заводлар, устахоналарнинг ишига таъсир қилмоқда. Корхоналар ишчиларнинг сафларини тўлдиришга интилиб, ёш йигит ва қизларни ишга қабул қилмоқда. Ҳамма жойдаги корхоналарда ташкил этилган касб-кор эгаллаш курслари ёшларга ҳунар ўргатиш проблемасини ҳал этишда ёрдам бермоқда. Демократик Афғонистоннинг мустаҳкам индустриал базасини барпо этиш ишида, мамлакатнинг ривожланиб бораётган саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда Совет Иттифоқининг ва қардош социалистик мамлакатларнинг ёрдамини министр юқори баҳолади.

Л. БИРЮКОВ.

Исроил агрессорлари Ливан ерларида вахшийликни давом эттирмоқдалар. Натижада минглаб бегуноҳ Ливан ва Фаластин қишилари сионист жаллодларининг қурбони бўлмоқда.

СУРАТДА. Тель-Авив ҳукмдорларининг кўрсатмасига мувофиқ босиб олинган Ливан ерларини назорат қилиб турган Исроил солдатлари. (ТАСС фотохроникаси).

ШУБҲА ОСТИГА ҚУЙИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК (ТАСС мухбири). Тель-Авив ҳамма қабул этган халқаро ҳуқуқ нормаларини бажаришдан бош тортганлиги ва жаҳон миллатлар ҳамжамиятининг қарорларини доимо писанд қилмай, бажармай келаётганлиги сабабли Исроилнинг БМТ ишида қатнашиш ҳуқуқи расмий равишда шубҳа остига қўйилди.

43 қўшилмаган ва социалистик мамлакатнинг вакиллари ўз ҳукуматлари номидан БМТ Бош Ассамблеясининг XXXVII сессияси раисига хат ёзиб, унда Исроил делегациясининг ассамблея шу сессиясидаги ваколатлари ҳусусида ўз писандаларини билдирдилар.

Исроил делегацияси, деб таъкидланади хатда, халқаро ҳуқуқ принципларини ва БМТ уставини қўпол равишда доимо бузиб келаётган, шу халқаро ташкилотнинг резолюциялари бажарилишини системали равишда барбод этаётган давлатдир. У, жумладан, Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеянинг Қуддус статуси ҳусусидаги резолюциясини бажаришдан бош тортмоқда, Исроил ғайри қонуний равишда Қуддусни қўшиб олди ва ўз пойтахти деб эълон қилди. Тель-Авив БМТнинг қарорларига хилоф равишда Сурияннинг Жўлан тепаликларидан ҳам чиқиб кетмаяпти.

Сўнгра хатда Исроил БМТнинг Фаластин халқи дахлсиз ҳуқуқларини амалга оширишни, араблардан босиб олинган ерларни бўшатиб беришни талаб қилувчи резолюцияларини бажаришдан доимо бош тортаётганлиги уқтириб ўтилади. Ливанга бостириб кирилганлиги ва фаластинликларга қарши қилинган геноцид жиноятлари ҳам халқаро ҳуқуқнинг ҳамма нормаларини оёқости этиш бўлди.

В. ВАСИЛЕЦ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг қурилиш ташкилотлари «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини юксак меҳнат ютуқлари билан кутиб оламиз» деган шиор остида Советлар мамлакатининг юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Мусобақа бу йил ишга тушириш мўлжалланган объектларни муддатидан илгари барпо этиш ва совет қурувчилари тажрибасидан кенг фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган.

Монгол — Совет биргаликдаги корхоналарининг интернационал коллективлари умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида бормоқдалар.

ПАРИЖ. Франция ҳукумати «Эркаклар билан хотин-қизлар ўртасида ҳунар соҳасидаги тенглик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди, деди бош министр ҳузуридаги хотин-қизлар ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи делегат — министр Иветт Руди хоним. Бу қонун, деди у, хотин-қизлар ҳуқуқларини, жумладан уларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда Францияда хотин-қизлар барча меҳнаткашларнинг 40 процентини ташкил этади, бироқ уларнинг жами иш ҳақи эркаклар жами иш ҳақининг атиги учдан бир қисмига тенгдир. Ишлаб чиқаришдаги тушкунлик мусобақати билан ишдан бўшатилган хотин-қизлар эркакларга қараганда 2 баравар кўпдир. Аёллар ҳунар эгаллашда ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга эмаслар: бугунги кунда Францияда хотин-қизлар барча ҳунар-билим юртлари ўқувчиларининг атиги 28 процентини ташкил қилади.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди ҳукуматининг 20 банддан иборат социал-иқтисодий программасини бажариш учун янада куч-ғайрат сарфлашга даъват этди. У мазкур программа қандай бажарилаётганлигига бағишланган бутун Ҳиндистон конференцияси очилишида нутқ сўзлаб, Ҳиндистон давлат секторига юксак баҳо берди ва давлат сектори корхоналари ҳозирги вақтда ўз рентабеллигини ошираётганлигини айтди.

Ҳукуматнинг 20 банддан иборат программаси экономикани мустаҳкамлаш ва аҳолининг энг камбағал табақалари турмуш даражасини оширишни бош вазифа қилиб қўйган. Программа мамлакат экономикасининг деярли барча соҳаларини ўз ичига олган.

(ТАСС).

ҲАММА — КИТОБХОН

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм моддий-техника базасини яратиш борасида улуғвор муваффақиятларга эришди. Мамлакатимиз эндиликда юксак ривожланган ишлаб чиқариш кучлари, катта қувватли илғор индустрия, юқори даражада механизациялаштирилган қишлоқ хўжалигига эга. СССРда ривожланган социалистик жамият барпо этилган. Эришилган ютуқлар социалистик қурилишнинг катта устунлиги ва кенг имкониятлари мавжудлигини рўй-рост кўрсатиб турибди.

Ана шундай ривожланган социализм шароитида совет кишисини ҳар томонлама камол топтириш, маданиятини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш коммунистик партиянинг асосий вазифаларидан бири. Табиийки, бу ўринда китоб катта роль ўйнайди. Мамлакатимизда ҳар йили миллионлаб нусхада турли янги китоблар нашр этилади. Меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва кенг халқ оммаси ўртасида китобларни тарғиб этишда китобсеварлар жамияти алоҳида ўрин тутади.

Бухоро область китобсеварлар жамияти меҳнаткашлар ўртасида китоб ва бошқа матбуот нашрларини пропаганда қилишда актив қатнашмоқда. Мазкур жамият, айниқса, қишлоқ аҳолиси ўртасида турли адабиётларни тарғиб этиш ва бу борада хилма-хил иш метод ҳамда формалардан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда.

Область китобсеварлар жамиятининг районлардаги ташкилотлари партия органлари раҳбарлигида, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, маданият муассасалари ва халқ маорифи ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Бу борада маданий-оммавий тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликда иш планлари тузилаётганлиги яхши самаралар беряпти. Областнинг район кутубхоналарида қарийб 5 миллион китоб мавжуд. Бу жуда катта маънавий бойликдир. Қишлоқ меҳнаткашлари, айниқса, ёшларга намунали маданий хизмат кўрсатиш китобсеварлар жамияти ходимлари. Активларининг биринчи даражали вазифасидир.

Областимиз районларида қишлоқ аҳолиси ўртасида адабиётлар тарғиботи ишлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Масалан, Ғиждувон районидаги мавжуд 50 та кутубхонадаги китоблар сони қарийб 400 минг нусхани ташкил этади. Шофиркон районида кутубхоналарида эса 326555 том китоб бор. Китобсеварлар жамияти ходимларининг тадбиркор ва ташаббускорлиги, актив фаолият кўрсатишлари туфайли шу районлардаги китобхонларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда бир йилда 20—25 тадан китоб ўқимоқда.

Кўчма кутубхоналар ташкил этиш китоб пропагандаси ва адабиётларни тарқатишдаги яхши иш формаларидандир. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида областимиз пахтакорлари ва чорвадорлари ҳузурига 1596 марта кўчма кутубхоналар келди. Республикамизнинг бошқа жойларида бўлгани каби областимизда ҳам пахта йиғимтерими қизғин давом этаётган шу долзарб кунларда китобсеварлар Шофиркон районидаги «Ленинобод», «Ленинизм», Карл Маркс номли колхоз, Ғиждувон районидаги Садриддин Айний номли, «Гулистон» колхозлари, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози, Пешқу районидаги «Октябрь», Қоракўл районидаги «Искра», Бухоро районидаги Ленин номли колхозлардаги чиқишлари ҳам ғоят мароқли ўтди. Область китобсеварлари ҳузурида Тожикистон халқ ёзувчиси Жалол Икромий, шоирлардан Гулчеҳра Сулаймонова, Бозор Собир, шоир ва ёзувчилар Ўйғун, Назир Сафаров, М. Львов, В. Карпов, Л. Ошанин, Туроб Тўла, Вали Ғафуров, Жамол Камоллар меҳмон бўлишди. Улар йиғилганларга ўз асарларидан парчалар ўқиб беришиб, ижодий режалари билан ўртоқлашдилар. Ижодкорлар билан бўлиб ўтган бундай ранг-баранг учрашувлар адабиёт ихлосмандларида яхши таассурот қолдирди.

Китобсеварларнинг бошлангич ва район жамиятларига адабиёт ихлосмандлари — активлар катта ёрдам бермоқдалар. Бу ўринда Улуғ Ватан уруши ветерани, Ғиждувон район революция, жанговар ва меҳнат шуҳрати клубининг раиси, Ленин ордени нишондори Турсун Салимовнинг саховати ҳақида тўхталиш жоиздир. Олиҳиммат бу отахоннинг илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий ва қишлоқ хўжалигига оид жуда кўп китоб фондига эга бўлган китубхонасидан жамоатчилик фойдаланмоқда. Турсун Салимов бу соҳада областимиздаги барча шахсий кутубхона эгаларига намуна кўрсатмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ овёлисининг 30 нафар вакили Турсун Салимовдан ибрат олиб, қарийб 40 минг том китоб фондига эга бўлган шахсий кутубхоналари эшикларини адабиёт ихлосмандларига кенг очиб қўйишди.

Китобхонлар кўнглига йўл топиш, қишлоқ меҳнат аҳли ўртасида адабиётлар тарғиботи ишини янада такомиллаштириш борасида ҳали талайгина тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Ҳамиша ҳам китобхонлар талаби ва эҳтиёжини тўла қондирмоқдамиз, деб бўлмайди. Қишлоқларда китоб билан савдо қиладиган магазинлар ва, кутубхоналар тор бинолларга жойлашган. Бу борадаги ишларимизни янада яхшилаш навбатдаги режаларимиздандир.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари сингари областимиз китоб тарғиботчилари ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги кунини муносиб китоб олишга ҳаракат қилишяпти.

Қ. ШАРИПОВ.

Бухоро область китобсеварлар жамияти раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

Сўраган эдингиз

АЧЧИҚ ТАРВУЗ

«Ҳурматли редакция!

Мен аччиқ тарвузнинг шифобахш эканлигини эшитиб, уруғини топиб, экиб кўрган эдим, 12 дона ҳосил берди. Меваси жуда аччиқ экан. У қандай касалликларга даво бўлади? Илтимос, тушунтириб берсангиз?

А. ҲАЙДАРОВ,
Бағдод райони».

Ушбу тарвуз Кавказда, Эронда, Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда доривор ўсимлик сифатида қисман экилади. Пояси чирмашувчан, илдизи тугунаксимон, меваси апельсин катталигида, қора ва оқ турлари бўлади. Уруғи майда, тухумсимон кўп йиллик қўкат ўсимлигидир.

Таркиби текширилганда крахмал, олма кислотаси, смола, мочевина, глюкозоидлар мавжудлиги аниқланган.

Аччиқ тарвуз халқ табобатида йўтал, бод, ҳар хил яра-чақаларга дори сифатида қўлланиб келинган. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино уни Абужаҳил тарвузи деб атайди. Олимнинг ёзишича, «Абужаҳил тарвузининг оқ ва қора, қаттиқ ва юмшоқ хиллари бўлиб, энг яхшиси оқи ва юмшоғидир. Қораси зарарли, қаттиғи ёмон. Унинг меваси яхши пишиб сарғая бошлаганда узилмаса, хоми ёмон, зарарли ва ўлдирувчан бўлади. Айниқса палагида бир дона мева тукканидан ўта заҳарлидир. Абужаҳил тарвузи мохов ва фил касалликларига ишлатилади. Фил касаллиги кишининг тўхтовсиз семириб кетаверишидир.

Аччиқ тарвуз асаб ва бўғин оғриқларига, «тикка нафас олиш» касалида фойда беради. Илдизи илон ва чиён чаққанда яхши наф беради, газанда чаққан жойга суртилса, ўша ондаёқ оғриқни қолдиради, деган фикрларни айтади Абу Али ибн Сино.

Лекин ҳам борки, ибн Сино аччиқ тарвуздан доривор тайёрлашда ўз даврида қўлланилган қарама, кирот ва дирҳам деб аталувчи ўлчовлардан фойдаланган ва бунга бошқа ҳозирги вақтда топилмайдиган нарсалардан қўшиб, мураккаб технологияда тайёрлаган.

Бинобарин, аччиқ тарвуздан ҳар ким ўзича дори тайёрлашни тавсия қилмаймиз. Сабаби: биринчидан, рецептини аниқ белгилаш ғоятда мураккаб иш, буни фармацевт олимларгина узоқ йиллар илмий изланишлар асосида ишлаб чиқишлари мумкин.

Иккинчидан, ибн Сино яшаган даврнинг замонамиз оралигида 1000 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шундай экан, ҳозирги замон одамининг организмига бу дори мутлақо фойда бермаслиги ҳам мумкин.

Учинчидан, кимёвий ўғитлар солинмаган ер йўқ, селитра солиб экилган ширин тарвузнинг ҳам қанчалик заарарлилиги эндиликда маълум бўлиб қолди. Энди химикатлар таъсирида ўсган аччиқ тарвузнинг таъсири қандай бўларкин? Буни ҳеч ким билмайди.

Ҳурматли А. Ҳайдаров! Аччиқ тарвузни сира эркинг. Бола-чақалар билмай еб қўйса, оқибати хунук бўлиши мумкин.

Карим МАҲМУДОВ.

Хоразм область Боғот районидаги Наркмонов номли колхозининг чинни цехида тайёрланаётган маҳсулотлар юксак сифати билан кўпчилик эътиборини жалб этмоқда.

Суратда цехнинг белгиланган топшириқни мунтазам ошириб бажараётган илғор ишчиларидан бири Малика Бобожонова ишини кўриб турибсиз.

Ш. Иброҳимов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

НОДИР ТОПИЛМА

Гетеборг шаҳридаги эски китоблар билан савдо қиладиган магазин ходимлари нодир топилмани аниқлашга муваффақ бўлдилар. Улар магазин омборида сақланаётган бир неча қадимий нашрлар ичидан швед қироли Карл XII га тегишли ҳарбий карталарнинг бир неча оригиналини топишди. Уларнинг орасида 1700 йили Нарва бўсағасидаги рус-швед қўшинларининг жангига тааллуқли карталарнинг нусхалари ҳам борлиги ва Швециянинг телеграф бюросида таъкидлаб ўтилади.

«Бу топилма катта илмий аҳамиятга эга», —деди Гетеборг университетининг тарих профессори Ерген Вейбул.

ТУЗ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Эфиопиянинг айниқса, қишлоқ районлари аҳолиси тузни эъзозлаши, авайлаб-асраши чет эллик сайёҳларни кўпинча ажаблантиради. Бунинг сабаби шундаки, кўп асрлар давомида Эфиопияда туз пул ролини бажарган, молларни айир бошлаш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва туз конларидаги ишларнинг механизациялаштирилиши билан эндиликда туз тиллага ёки кумушга тенг бўлмай қолди.

Ҳозир тузни дуч келган маҳаллий магазинлардан бемалол сотиб олиш мумкин. Бироқ, тузни тежаб-тергаб, авайлаб-асраб сарфлаш ҳамда унга эътибор билан муносабатда бўлиш Эфиопияда сақланиб қолган. Бу анъана авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

МУЗИКАЧИНИНГ «УЧИНЧИ ҚУЛИ»

Швейцариялик бир группа ихтирочилар музикачининг «учинчи қули» вазифасини бажарадиган ўзи нота саҳифаларини варақлаб турадиган кичкинагина роботни яратдилар. Нота саҳифаларини варақлаш учун бошқариш педалини босиш кифоя қилади.

ЭНГ ЮПҚА СОАТ

Швейцариянинг «Конкорд» фирмаси дунёда энг юпқа —қалинлиги бор-йўғи 0,98 миллиметрли соатларни ишлаб чиқаради. Соатнинг ўта нозик конструкциясида герметизация элементларига жой қолмаган, шунинг учун ҳам бундай соатлар билан сувга тушиб бўлмайди.

(ТАСС).

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1982—1983 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ТАИЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари, геология-разведка ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлиги йўлланмаси билан келган, ўқишга юборилиш ҳақидаги масала кўрилган кунга қадар камида икки йиллик ва ундан юқори узлуксиз иш стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запаста бўшатилганлар қабул қилинади.

Ўқишга юборилган колхозчилар ҳар бир календарь йилнинг мазкур колхоз учун белгиланган иш кунлари минимумини ишлаб беришлари керак.

Кундузги ўрта мактабни 1982 йилда битирганлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: институт ректори номига ёзилган ариза, йўлланма (2 ёки 3 формадаги илова), ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари тасдиқланган кўчирма, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см, ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.

11 ноябрдан 24 ноябргача суҳбат ўтказилади. Тингловчилар рўйхатга киритиш 25—30 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимини битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар институт кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ойига 40 сўмдан стипендия ва ётоқхона билан таъминланади. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Самарқанд шаҳри, Шаумян кўчаси, 7-уй. Телефон 3-37-42.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

КУНДУЗГИ ТАИЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги йўлланмаси билан келганлар, ўқишга юборилиш ҳақидаги масала кўрилган кунга қадар камида 1 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучларидан запаста бўшатилганлар қабул қилинади.

Ўқишга юборилган колхозчилар ҳар бир календарь йилнинг мазкур колхоз учун белгиланган иш кунлари минимумини ишлаб берган бўлишлари керак.

• Кундузги ўрта мактабни 1982 йилда тугатганлар иш стажи бўлган тақдирда ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ариза, йўлланма (2 ёки 1,8 формадаги илова), маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), сўнгги иш жойидан (ҳарбий қисмдан характеристика), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона раҳбари тасдиқланган). 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 8 дона фотосурат.

Ариза ва ҳужжатлар 11 ноябргача қабул қилинади.

Кирувчилар билан 15—25 ноябрь кунлари физика ва математика бўйича суҳбат ўтказилади. Тингловчилар сафига қабул қилиш 25—30 нолбрь кунлари.

Тайёрлов бўлимини битириб имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институт кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ҳар ойда 40 сўмдан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимига қўйида ги факультетлар бўйича қабул ўтказилади: гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ремонт технологиясини ташкил этиш, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, гидротехник қурилишлар, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, сўв хўжалигини ташкил этиш ва экономика, ер тузилиши.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ўз ҳужжатларини топшираётганларида, паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, комсомол билетини шахсан кўрсатадилар.

Мурожат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1982—1983 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАИЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига илғор ишчилар, колхозчилар, СССР Қуролли Кучлари сафидан запаста бўшатилган жангчилар ҳисобидан тугалланган ўрта маълумотга эга шахслар саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозларнинг ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси билан қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар камида бир йиллик узлуксиз меҳнат стажига эга бўлишлари керак. Ўқишга йўлланган колхозчилар ҳар календарь иш йилига ушбу колхоз учун белгиланган энг кам миқдордаги иш кунларини ўтаган бўлиши лозим. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишчилари (сотувчилар, ошпазлар, контролер-кассирлар ва қандолатчилар) ушбу вазифаларда камида икки йил амалий меҳнат стажига эга бўлишлари керак.

Кундузги ўрта мактабни 1982 йилда тугатганлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

Умумий иқтисодий мутахассисликларига кирувчилар билан математика ва географиядан, товаршунослик ва савдони ташкил этиш мутахассисликлари бўйича математика ва химиядан суҳбат, иқтисодий кибернетика мутахассисликлари бўйича — математика ва тарихдан суҳбат ўтказилади.

Тингловчиларга стипендия берилади, муҳтож бўлганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар институтнинг биринчи курсига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидагиларни тақдим этадилар: институт ректори номига ариза, иш жойи ёки хизматни ўтаётган жойидан йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), характеристика, 8 дона фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286 форма), меҳнат (колхоз) дафтарчасининг копияси.

Ҳужжатлар 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбатлар ва қабул қилиш 11 ноябрдан 25 ноябргача давом этади.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожат қилинсин: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй, лаборатория корпуси, 3-06 аудитория.

«Фарғона айланма йўли» трассаси республикада машҳур бўлган автобус маршрутларидан бири бўлиб, Фарғона водийси шаҳарларидан, Туркистон тизма тоғларининг хушманзара жойларидан, дарёларнинг соҳилларидан ўтади.

СУРАТДА: ана шу трасса ёқасидаги Фарғонада Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашчилар хотирасига қўйилган ҳайкал.

●СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

♠ФУТБОЛ

БИРИНЧИ ЛИГАНИ КУЗЛАБ

Иккинчи лиганинг 160 командаси тўққиз зонада мамлакат чемпионатини якунлашди. Шундан сўнг ҳар бир зонада биринчи ўринни эгаллаган коллектив аниқланди.

Куни кеча голиблар ўртасида ҳал қилувчи иккинчи босқич мусобақалари бошланди. Улар уч группага бўлинган ҳолда кураш олиб боришяпти. Ҳар бир зона голиби биринчи лига йўлланмасини қўлга киритади.

Маълумки, Самарқанднинг «Динамо» футболчилари мавсум якунланмаеданоқ ўз зоналарида биринчи ўринни эгаллашган эди. Эндиликда улар иккинчи группада «Буровина» (Черновци) ва «Днепр» (Могилев) командалари билан биринчи ўрин учун баҳс юритишяпти. Самарқандликлар дастлабки учрашувни Могилевда маҳаллий «Днепр» футболчилари билан ўтказишди. Ўйин майдон эгалари ташаббуси остида давом этди. Улар 90 минут давомида уч маротаба муваффақиятга эришди. Динамочилар бирон маротаба ҳам рақиблар дарвозасига тўп кирита олишмади.

Шу куни бошқа группаларда ўтказилган ўйинлар ҳам кескин ўтиб, қуйидаги натижаларни берди: —«Текстильшчик» (Иваново) — «Спартак» (Оржоникидзе) — 2:1, «Локомотив» (Челябинск) — «Шахтёр» (Қараганда) —1:0.

Группалардаги навбатдаги тур 30 октябрда бўлади. Шу куни Самарқанднинг «Динамо» командаси ўз майдонида Черновцининг «Буковина» футболчиларини қабул қилади.

♠БАСКЕТБОЛ

«УНИВЕРСИТЕТ» БУШ КЕЛМАЯПТИ

Мамлакат чемпионатининг олий лигасида (эркаклар ўртасида) ўтказилаётган мусобақалар қизиқарли учрашувларга бой бўлмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, биринчилик саралаш босқичининг иккинчи давраси тугамасданоқ айниқса, медаллар учун қизғин кураш борди. Ҳозирда Виляюсда иштирок этаётган командалар ўртасида финал ўйинлари иштирокчилар маълум. Шунга қарамай қолган учрашувлар жанговар ўтмоқда. Маълумки, кучлилар сафида республикамиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Университет» команда баскетболчилари биринчи даврада фақат бир бор ғалабага эришган эдилар.

Вакилларимиз иккинчи даврада очколар сонини кўпайтиришга муваффақ бўлишди. Жумладан улар олдинига Қуйбишевнинг «Строитель» командасини маглубиятга учратишди. Кейин эса майдон эгалари — «Статиба» баскетболчилари билан бўлган учрашувни ўз фойдаларига ҳал этишди. Куни кеча мамлакатимизнинг кучли командаларидан бири —Каунаснинг «Жальгирис» спортчилари билан учрашдилар. «Университет» баскетболчилари мазкур ўйинни ҳам яхши ўтказиб, 104:80 ҳисобида ғалаба қозонди.

МУЗИКАЧИНИНГ «УЧИНЧИ ҚУЛИ»

Швейцариялик бир группа ихтирочилар музикачининг «учинчи қули» вазифасини бажарадиган ўзи нота саҳифаларини варақлаб турадиган кичкинагина роботни яратдилар. Нота саҳифаларини варақлаш учун бошқариш педалини босиш кифоя қилади.

ЭНГ ЮПҚА СОАТ

Швейцариянинг «Конкорд» фирмаси дунёда энг юпқа —қалинлиги бор-йўғи 0,98 миллиметрли соатларни ишлаб чиқаради. Соатнинг ўта нозик конструкциясида герметизация элементларига жой қолмаган, шунинг учун ҳам бундай соатлар билан сувга тушиб бўлмайди.

(ТАСС).

«ҚИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42 Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26 Секретариат — 32-54-48, 32-56-25 Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22 Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36 Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46 Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42, 56-37, 32-54-54 Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83 Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 07451. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1147. 12

Телевидение

ЖУМА

29 ОКТЯБРЬ КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Ленин мукофоти лауреати, СССР Геология министрининг ўринбосари В. А. Ярмолюк билан учрашуви.
10.25 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.35 Приморье ўлкаси, Сахалин ва Камчатка областлари бадиий коллективларининг чиқиши.
12.00 «Мен — ўнинчи». Ут ўчирувчилик касби ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Комсомол туғилган кунга бағишланган ҳужжатли фильмлар.
16.30 «Рус тили».
17.00 «Москва комсомолининг ишлари».
17.30 «Усмирлар ижоди».
18.00 «Инсон — ер хўжайини».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Комсомол — ёшлигим менинг». Концерт.
19.55 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
20.20 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1975 йил».
19.55 Н. Некрасов. «Рус аёллари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Хатларингиз асосида». Музикали программа.
21.30 «Время».
22.05 «Зацепинлар оиласи». Телевизион бадиий фильм 1- ва 2-сериялар.
00.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати МАСК — «Крылья Советов». 3-давр. «Крылья Советов» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Дўст бошга иш тушганда билинади». Қўғирчоқ фильм.
11.50 «Болалигим гулбаҳор» [такрорий].
12.30 Жамиятшунослик. Давлатнинг пайдо бўлиши ва моҳияти.
13.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак» [рус.].

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол — ёшлигим менинг». Комсомол туғилган кунга бағишланган кўрсатув.
19.00 «Партия турмуши». Республика бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар йиғилишлари якунларига доир.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 «Нақшлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дутоғчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Кўнгиллипар». Бадиий фильм [рус.].
23.50 Янгиликлар